

ISSN 2181-7324

ЎЗМУ

ХАБАРЛАРИ

№ 1/1 ✪ 2015



*Ижтимоий-  
гуманитар  
фанлар  
йўналиши*

*Направление  
социально-  
гуманитарных  
наук*

*Social-  
humanitarian  
sciences*



ВЕСТНИК НУУЗ ✪ АСТА NUUZ

Суванов И.А. Миллий ўзликни англаш ва миллий гоёнинг ўзаро алоқадорлиги .....	143
Турсунов Л.Э. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшлар ҳуқуқий маданиятининг ўрни .....	146
Темирова Ч.Х. Ижтимоий ҳимоя давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши .....	149
Тиллаева Г.Х. Акмеология ва таълим. тизими .....	152
Убайдов Н.Э. Мирзо Улугбекнинг маънавий-ахлоқий қарашлари .....	155
Хидиров Ж.А. Туризм, сиёсат ва ижтимоий муносабатлар .....	158
Ҳожиев А.Д. Сиёсий маданият ва легитимлик мезонлари .....	161
Шопулатов А.Н. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсир килувчи маънавий қадриятларни ўрганишнинг илмий-фалсафий масалалари .....	164
Язданов У.Т. Жамоатчилик фикри: мазмун моҳияти ва жамият тараққиётидаги ўрни .....	168
Давлатов О.Ғ. Интернет хизмати тизими ва ахборотларнинг психологик хавфсизлиги масаласи .....	170
Арапбаева Д.К. Ўқувчиларни компьютерга тобелигининг психопрофилактикаси .....	173
Ганиева М.А. "Шахс ва жамият" ўқув фанида таълим сифатини оширишнинг муҳим масалалари (Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари мисолида) .....	176
Воҳидов Х.Ф. Рецензия на монографию Мавлонова Ж.Ё. «Гражданское общество: от концепта к концепциям и парадигмам» (социально-философский анализ) .....	181
Жалолова Ў.К. «Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ахлоқий қадриятларнинг ўрни» номли монографияга тақриз .....	183
<b>Филология</b>	
Абдурахимова Л.Т. Словообразовательный и морфемный анализ на уроках русского языка .....	185
Абдураимова М. Чет тилини ўйинлар орқали ўрганишнинг афзалликлари .....	189
Алланазарова Х.У. Герменевтик талқиннинг таржимада қўлланилиши .....	195
Асқарова Ш.К. Ўзбек тилида такрор стилистик воситаси ва унинг турлари .....	199
Бўриева Э. Богловчи феълларнинг лексик-семантик хусусиятларини ўрганишда когнитив таҳлил имкониятлари .....	202
Гилязетдинов Э.З. Межкультурный контекст обучения трудностям перевода опд .....	206
Gazieva D.I. Some useful hints in developing reading skills for a learner of English .....	210
Жумаева Г.А., Джалилова С.Р. Чет тил ўқитиш методикасида оғзаки нутқни тинглаб тушинишга ўргатиш ва такомиллаштириш .....	212
Жонқулова Г. Лексик-семантик воситаларнинг парадигматик имкониятларини таҳлил қилишда майдон назариясининг қўлланилиши .....	215
Жураев И.И. Фаза феъллари ва ҳаракат тарзи тушунчалари хусусида .....	219
Имминова Ш.С. Немис ва ўзбек тиллари фразеологиясининг қиёсий тадқиқи масалалари .....	223
Камилова С.Э. К вопросу об исследовании конвергенции и национальной специфики жанра рассказа в русской и узбекской литературах .....	226
Кодирова М. Т. Инглиз ва ўзбек тилларида нутқ этикетининг коммуникатив - прагматик хусусиятлари .....	229
Муҳаммаджонова Н. Ш. Гендерликнинг этномаданий контекстда тадқиқ этилиши .....	233
Mukhitdinov D.T. Poems as means of teaching pronunciation .....	235
Пирманова Г.Н. Актуальность исследования культурологической проблемы в процессе обучения английскому языку .....	238
Полванова С.Т. Ўзбек ва инглиз тилларидаги "бош" компонентли фразеологизмларнинг миллий-маданий хусусиятлари .....	242
Раҳмонкулова Х. Герман тиллари грамматикасининг айрим умумназарий масалалари хусусида .....	245
Саидмуратова У. Р. Специфика языковой реализации лингвоментального понятия "тантана" .....	249
Турсунова Г.Н. Инглиз тилидаги инсон интеллектуал қобилиятини ифодаловчи фразеологик бирликларда миллийлик компонентлари .....	252
Ҳақимова Г.Э. Фразеологияда миллий - маданий коннотация ва стереотип тушунчалари .....	255
Шукурова З.И. Инглиз ва ўзбек тилларида поссессивликнинг гендер жиҳатидан ўзига хосликлари .....	259
Эшонқулова Н. Тилшуносликда мелиорация ва мелиоратлар .....	263
Юнусова Г. Д. Корейс тилида кўмакчи феълларнинг аспект ва модаллик маънолари .....	267
Абдушукуров Б. "Қисаси Рабғузий" лексикасининг қадимги туркий ва эски туркий манбалар тилига муносабати .....	270
Деҳқонов А. Алишер Навоий адаб ҳақида .....	274
Тешабоева М.А. "Бобурнома"даги географик тушунчаларни акс эттирувчи бирликларни ўрганишнинг аҳамияти .....	276
Uralov Sh. Alisher Navoiy hikmatli so'zlarining inglizcha talqini .....	279
Шукурова З. «Қисас ар-Рабғузий»да космогоник мифлар .....	282
Қаюмов А.А. Дунёқараш ва муносабатларда миллийликнинг акс этиши .....	285
Кўчқорова М. Бадиий талқин мукамаллиги жараёнида лирик асарларнинг жанр имкониятлари .....	288
Алимова Г. Б. Социал тармоқларда ахборот хавфсизлиги масаласи ва уни таъминлаш чора-тадбирлари .....	291
Шорасулов С.С. Различные подходы к пониманию и определению текста .....	294
Сиддикова И.А. Новая полезная монография по теории языкознания рецензия на монографию Т.А.Бушуй «Язык в системной структуризации» Ташкент: Издательство «Фан» АН РУз, 2014 г. ....	300

## АЛИШЕР НАВОИЙ АДАБ ҲАҚИДА

Дехконов А. \*

## РЕЗЮМЕ

Мақолада Алишер Навоий ижодида адаб мавзусининг қандай ёритилганлиги хусусида сўз юритилади. Адаб инсоннинг маънавий камолотга етишувиди энг асосий фазилатлардан экани ёритилган. Улуғ инсонлар, тенгдошлар ва кичик ёшлар билан бўладиган муносабатлардаги адаб қонун-қоидаларининг чегаралари кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** Навоий, адаб, тавозуъ, мулоимлик, "Маҳбул қулуб", "Ҳайратул аброр", кулги, беадаблик, ноўрин ҳазил, меъёр, ота-онага хизмат қилиш, подшоҳлар хизмати, сир сақлаш, ранж ва машаққат.

Навоий ижодида адаб мавзуси алоҳида ўрин тутди. Улуғ шоир ўз достонларида, насрий асарларида, газаллари, китъа ва рубоийларида бу мавзуга қайта ва қайта мурожаат қилади. Адабга риоя қилиш кишини улуғ зотлар назарига тушириши, уларнинг эътиборига лойиқ қилиб, охири-оқибатда ўзини ҳам улуғ инсонлар даражасига кўтариши хусусида ўз асарларида таъкидлаб ўтади. Шоир асарларида адаб ҳақида сўз юритилган деярли барча ўринларда тавозеъ – камтарлик ҳақида ҳам сўз боради.

"Маҳбул-қулуб" асарида "Тавозуъ ва адаб зикрида" деб номланган алоҳида боб бор. Бу бобда Навоий тавозуъ ва адаб инсонни зийнатловчи, унинг даражасини кўтарувчи фазилатлардан эканини айтиб ўтади:

Тавозуъ халқни киши муҳаббатига шефта қилур ва улусни фоил маваддатига фирифта қилур... Мутақаббир душманга мулоямат сари йўл кўргузур ва мутаъажжиб хасм хотирига унсониат завкин ўлтиргузур..."

(Тавозеъ кишини одамларнинг муҳаббатига ошно қилади, халқда унга нисбатан дўстликни пайдо этади. Кибри душманни мулоимлаштиради, кеккайган кишининг қалбига ошнолик уруғини экади).

Навоий ўз сўзида давом этиб, адаб ва тавозуъ барча кишиларга ярашиқли фазилат эканини, лекин даражаси баланд ва мартабаси улуғ инсонларни яна ҳам зийнатлашини айтади. Тенгдошларнинг бир-бирига адаб ва тавозуъ билан муомала қилиши жуда гўзал эканини, лекин катта ёшдаги кишиларнинг кичикларга адабли муомаласи янада гўзал бўлишини таъкидлайди. Адабли бўлиш кичикларни улуғларнинг дуоларига мушарраф қилишини, бу дуолар кичикларнинг бутун умрига баракот етказиб туришини шундай таърифлайди: "Адаб кичик ёшлиқларни улуғлар дуосига сазовор этар ва ул дуо баракоти била умрдин бархурдор. Кичиклар меҳрин улуғлар кўнглига солур ва ул муҳаббат кўнгулда муаббад колур..."

Адабли ва тавозеъли кишига одамлар ноўрин ҳазил ва беҳурматлик билан муносабат-муомала қилишга ботина олмасликларини уқтиради: "Халқ жонибидин беҳурматлик эшигин боғлар ва кишини ҳазл ва истихфоддин сақлар".

"Ҳайратул аброр"нинг олтинчи мақолатида ҳам Алишер Навоий адаб мавзусига алоҳида тўхталиб, юқоридаги фикрларни назмий йўлда давом эттиради:

*Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,*

*Лек шараф келди ҳаёву адаб...*

*Бўлмас адабсиз кишилар аржуманд,*

*Паст этар ул хайли чархи баланд.*

(Инсонлар ўз амал-мартабалари ва насл-насаблари туфайли шарафли бўлмадилар, лекин ҳаё ва адаб билан улуғ шарафга эришдилар. Адабсиз кишилар ҳеч қачон иззатли ва мартабали бўлмайди. Тақдирнинг ўзи беадабларнинг даражасини тубан-паст қилиб қўяди).

Агар "Маҳбул-қулуб"да фақат тавозуъ ва адабнинг хосият-фазилатлари хусусида сўз юритилган бўлса, "Ҳайратул аброр"да адабнинг фазилатларини зикр этиш, тавсифлаш билан бирга, беадаблик ва унинг оқибатларига ҳам тўхталди. Адабсизликнинг белгиларидан бири ўринсиз кулги эканини айтиб шундай ёзади:

*Тарки адабдин бири кулгу дурур,*

*Кулгу адаб таркига белгу дурур...*

*Кулгуки ўз ҳаддидин ўлди йироқ,*

*Йиғламоқ андин кўп эрур яхшироқ,*

Ўз ҳадди-чегарасидан чиқиб кетган кулгидан кўра йиғлаган яхшироқ деб, алоҳида таъкидлайди.

Ҳадисларда кўп қилиш қалбни ўлдириши хусусида ривоят қилинган. Алишер Навоийнинг кулги ҳақидаги фикрларидан ҳам ўша пурмаъно мазмун сезилиб туради.

Навоий адабсизликнинг белгилари ҳақида сўзини давом эттириб, ўринсиз ҳазил ҳақида ҳам сўз юритади. Ўринсиз ҳазил, айниқса, ўздан кичиклар, ва ўздан катталар билан ўринсиз ҳазиллашиш жуда хунук бўлишини таъкидлайди. Дарҳақиқат, ўздан кичиклар билан ҳазиллашиш кишининг ҳайбатини йўқотса, ўздан катталар билан ҳазиллашиш одамни бачкана кўрсатади. Бировларни кулдириш учун ҳаракат қилувчиларни ҳам Навоий беадаблар жумласига киритади:

*Улки соқол боғлабон эл кулдурур,*

*Кулгу соқолига ўзи келтирур.*

*Қилмоқ учун кўзга фузун кўркини,*

*Бошига чу маймун кўяр бўркини...*

Адаб ва тавозеънинг фазилати ва адабсизликнинг мазаммати хусусидаги фикрлардан сўнг шоир адаб ва тавозеънинг меъёрлари ҳақида тўхталди. Яъни тавозеънинг ўз ўрнидагиси чиройли бўлишини таъкидлайди. Хўжайин ўз хизматкорига, ота ўз фарзандига тавозеъ қилиши ноўрин эканини айтади:

*Сажда гадо оллида эрмас карам,*

*Балки карамдур анга бермак диррам.*

*Тифл учун кўпмоқ эмастур адаб,*

*Пирлар ул ишни демастур адаб.*

\* Дехконов А. – ЎзМУ Ўзбек филологияси факультети, Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти кафедраси доценти, ф.ф.н.

Фарзандга тавозеъ кўрсатиш эмас, аксинча ўрнида меҳр кўрсатиб, ўрнида қаттиққўллик қилиш лозимлигини таъкидлайди. Шунингдек киши ўз аёлига ҳам тавозеъ кўрсатиш эмас, балки ўрнида хурмат қилиб, ўрнида қаттиққўллик билан ушлаш муҳимлигини айтиб ўтади:

*Завжаким ул бўлса аниси ҳарам,*

*Шаръ тариқи била тут муҳтарам.*

Навоий шу тариқа киши ўз хизматкорига, фарзандига ва аёлига меҳрибонлик ва сиёсат ўртасида муомала қилиши лозимлигини, мўътадилликни ушлаши кераклигини уқтириб ўтгач, она-онага қилинажак муомалага тўхтайди. Улуғ шоир барча адабларнинг боши, аввали ота-онани хурматлаш ва уларнинг хизматини қилиш эканини айтиб, фарзанд ҳар қанча хизмат қилса ҳам уларнинг ҳаққини тўлиқ адо эта олмаслигини таъкидлаб, қуйидаги шох байтларни битади:

*Бошни фидо айла ото қошига,*

*Жисмни қил садқа ано бошига.*

*Икки жаҳонингга тиларсен фазо,*

*Ҳосил эт ушбу иккисидин ризо.*

Агар икки дунёда ҳам саодатманд бўлишни истасанг ота-онангни рози қил, дейди.

Шундан кейин бошқа инсонлар билан бўлажак муносабатга тўхталади. Улуғларга хизмат этишни, кичикларга шафқатли бўлишни айтиб, ўз тенгдошлари билан муомалада меъёрни сақлаб, ҳурмат билан туришни таъкидлайди. Уларга ҳаддан ошиқ хизмат қилиб улуғлашни ҳам, эътиборсиз ташлаб қўйишни ҳам ёқламайди. Ўртача йўл тутишни тавсия қилади:

*Кимники қилсанг мутаваассит хаёл,*

*Асра анинг ҳурматида эътидол...*

*Иzzати ҳаддин кам эса хўб эмас,*

*Ҳаддидин ортиқ доғи марғуб эмас...*

Мақолатнинг сўнггида Навоий подшоҳларга,

ҳукмдорларга хизмат қилиш адабларини баён этади. Шоир сўзининг аввалида подшоҳлар хизматини қилиш ўта нозик ва қалтис иш эканини таъкидлайди, иложи бўлса подшоҳлар хизматига яқинлашмасликни маслаҳат беради. Модомики уларга яқинлашиб қолдингми, энди хушёр ва зийрак бўлгин, хизматда нуқсонга йўл қўймагин, деб насиҳат қилади.

“Бошидан ўтган табиб, андин давосини сўранг” деган халқ мақолида айтилганидек, Алишер Навоийнинг подшоҳлар билан муносабатда бўлиш, улар хизматини қилиш борасидаги фикрлари ўта қимматли ва шоирнинг ўз шахсий тажрибасидан келиб чиқиб айтилган сўзлардир. Чунки у бир умр ҳукмдорлар хизматида юриб, уларга жуда яқин бўлган. Уларга яқин юришнинг бутун нозикликлари, қалтис жиҳатларини яхши билган. Шунинг учун улуғ мутафаккир шоир шох хизматида бел боғлаган киши тўрт нарсани ўзига қоида қилиб олиши кераклигини айтиди:

1. Аввало ниятни тўғрилаб олиш.

2. Хизмат қилиш вақтини аниқ билиш.

3. Оғизга маҳкам бўлиш ва халқнинг яхши-ёмон ишларига кўз ташламаслик, кўрмагандек бўлиш.

4. Подшоҳдан ҳар қанча машаққат ва ранж етса ҳам унга нисбатан одобни сақлаш.

Агар мана шу шартларга риоя қилсанг, ҳамшиша йўлинг ёруғ бўлади, дейди:

*Бу неча иш бўлса муяссар сенга,*

*Давлат ила ёруғай ахтар сенга.*

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоий ўз асарларида адаб масаласига жиддий эътибор беради. Жамиятдаги барча табақалар, тоифалар, фарзандлар, ота-оналар билан муносабатларда адаб билан муомала қилишни, меъёр қоидаларига риоя этиш лозимлигини таъкидлайди.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Еттинчи том. – Тошкент, Фан, 1991.
2. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн тўртинчи том. – Тошкент, Фан, 1998.
3. Алибек Рустамов. Ҳазрати Навоийнинг маънавий олами. – Тошкент, “Наврўз”, 2014.
4. Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – Москва, “Русский язык”, 1984.
5. Болтабоев Х. Мумтоз сўз кадри. – Тошкент, Адолат, 2004.
6. Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий. Ихёу улумид-дин. Илм китоби. – Тошкент, Мовароуннаҳр, 2003.

#### РЕЗЮМЕ

В статье раскрывается тема вежливости и воспитанности в творчестве Алишера Навои. В ней говорится, что вежливость и воспитанность одно из важных условий в духовном совершенствовании человека. Также в статье освещается позиция великого поэта в отношениях с разными слоями общества.

**Ключевые слова:** Навои, вежливость, скромность, мягкость, «Возлюбленный сердцем», «Смятение праведных», смех, неблаговоспитанность, несвоевременная насмешка, мера, служба родителям, служба царям, хранит тайну, обида, огорчение, мучение и затруднение.

#### RESUME

The article deals with the theme of civility and good manners in the works of Alisher Navoi. It says that politeness and good manners is one of the important conditions in the spiritual perfection of man. The article also highlights the position of the great poet in relations with different sectors of society.

**Key words:** Navoi, courtesy, humility, gentleness, "Beloved hearts," "Confusion just", laugh, untimely mockery measure, service for parents, office kings, keeps the secret, resentment, frustration, anguish and embarrassment.